

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “13” декабрь

107-сонли

Бухоро шахар
(шартнома тузилган жойи)

Бухоро шахар Энергетика министри (кейинги ўринларда “Корхона”)
(энергия билан таъминловчи ташкилот номи)
деб юритилади) нинг Низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари
бир тарафдан ва Бухоро вилояти телерадиокомпанияси
(Энергия истеъмолчисининг номи)
(энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.)
(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Низоми асосида фаолият
кўрсатувчи раҳбари Ф.М.Аминов иккинчи тарафдан тизимдаги хисоб вараги -
100010860064014084200137001 ушбу шартномани кўйидагилар ҳакида
туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок орқали Истеъмолчига
электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш
мажбуриятини, Истеъмолчи эса кабул килинган Энергия хақини тўлаш мажбуриятини
олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга
тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган хар бир
кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи ҳакикий
максимал кувват (кейинчалик “Кувват”) учун хак тўлади.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 32166 кВт.с. ни ташкил
килади.*

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи
14.474.700 сўмни, Кувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида)
ташкил килади.*

Шундан, бюджет маблаглари хисобидан йт гурт мишишон турт яз
отмеш турт мишишон (сўми) 1521 яз = сўм,
Бюджетдан ташқари маблаглар хисобидан _____ сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг
1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) микдори Энергияни (Кувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг хисобкитоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни хисобга олишнинг бошка воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамгаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли карорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми _____ кВт.с.ни ташкил киласди.

III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун хисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида хисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг хисобга олиниши электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) хисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармогининг чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли билан далолатнома тузилган холда (4-илова) аникланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармогининг баланс бўйича мансублигига караб, Корхона ва Истеъмолчи хисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниклаш учун хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси хисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 30 фоизи микдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи хисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол килган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқсан холда хисоб-китоб киласди ва тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга кадар амалга оширади.

Истеъмол килинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган микдордан кўп истеъмол килинганлиги учун жарима ва пена мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблаглари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида хисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санаасигача Истеъмолчи билан биргаликда хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вактда, хисоблагичларнинг тартиб ракамларини ҳамда амалда истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган холда хисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Хисобот асосида Корхона тегишли хисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи хисоб-фактурани олади.

Истеъмолчидатурли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда хисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган холда умумий хисобфактура ёзилади.

Хисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни хисобга олганда Истеъмолчининг карздорлиги аникланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк оркали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳакида хисбот тақдим этилмаса ёки хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан хисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аникланган ҳакикий истеъмол қилинган Энергия учун қайта хисоб-китоб килган холда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибида тўлов талабномаси ва хисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф турархлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгаргандаги “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Фазначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорига қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир кисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида қатнашувчи юкламаси кийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта хисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт соатдан ортик бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган

истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, кишлок хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солишириув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимиға уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган хажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзарган, ҳисобга олиш приборидан ташкари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш ҳуқукига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг

4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш куни мобайнинда Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзib беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим қиласди.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда конун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзib олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб кўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб кўйиш жадваллари Истеъмочи томонидан Корхона вакилларидан узиб кўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмагандা, Корхона Истеъмолчини огохлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган

даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги обьектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмастан, бирок уни дархол хабардор қилган холда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш окибатлари учун жавоб бермаслик хуқукига эга:

а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол килинганда;

в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан киёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмаганда;

г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

д) Корхона тармокларига электр қабул килгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

е) электр қабул килгичлар хисобга олиш приборларидан ташкари уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария окибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида карздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳак тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлик узиб қўйиш эса – факт суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармокларига кайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари миқдорда ва лозим даражада бажарилишини талаб килиш;

5.1 Истеъмолчининг хуқуклари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб килиш;

б) Энергияни электр тармокларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб килиш;

в) электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсатичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб килиш;

V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг хуқуклари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб килиш;

б) Энергияни электр тармокларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб килиш;

в) электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсатичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб килиш;

г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги обьектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узб кўйишгача камидан 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) Олдиндан ҳак тўланганлигидан қатый назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси хисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳак тўлаш;

в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация килишда Хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

г) 7-илювага мувофик компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват истеъмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслиқ.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қўйидагиларни хисобга олиши ва хабар килиши шарт:

- истеъмол килинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва хақиқий миқдорини;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткали сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дакиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қўйидаги ҳуқукларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) хисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро хисоб-китоблар солиширув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳакида, чеклашнинг ҳажми ва вактини кўрсатган ҳолда, ўз вактида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, оқибатида етказилган ҳакиқий зарар айбордor тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоизидан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вактида ҳак тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня хисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб хисобланади.

6.4 Истеъмолчи хисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, хисоб-китоб даври учун шартномада 50 кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича хисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, хисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун кисми учун қайта хисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида кўшимча хақ ундирилади.

Кўшимча Кувватга хақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғокчилик, сув тошкини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор килиш ёки ўзгартириш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган хисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар қелишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблаг олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Фазна ижроси қоидаларига”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 20__йилгacha белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларда йўл кўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”гї Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил

22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари” ва бошқа конун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўргасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

Почта манзили _____

Хисоб

раками

Банк коди (МФО)

СТИР (ИНН) 22636000300487303330

МФО: 00086 ИНН: 201188400

Телефонлар: Тел: 225-20-01

Факс: Саломатлашар кўчаси 1/1-й

Статистик кодлар:

ДБИБТ

(СООГУ) _____

МИОБТ

(СОАТО) _____



«Буюртмачи»

Бухоро вилояти телерадиокомпанияси

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Бухоро ш., Х.Т.Бухорий, 20-үй

Тел./факс: 65 223-66-00

Фаз./х¹: 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент ш., Марказий банк

МФО 00014 ИНН 201530545

ш/х² 100010860064017084200137001

х/р³ 400110860064017084200137001

Бухоро вилоят бўлинмаси Газначилик бўлинмаси

(Газначилик бўлинмасининг номи)

Рахбар Рахбар Абдуллоев Ф.М.



¹ - тегишли газна хисобвараги кўрсатилади.

² - тегишли бюджетдан маблаг олувчининг Газначилик бўлинмасида очилган шахсий хисобвараги (ёки шахсий хисобвараклари) кўрсатилади.

³ - Бюджетдан маблаг олувчининг газначиликдаги бюджетдан ташкари маблағлари бўйича шахсий хисобвараги ёки банкдаги талаб килиб олингунча депозит хисобвараги кўрсатилади.